

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

СОДИҚОВА ГУЛБАРНО ОДИЛЖОН ҚИЗИ

**ЎСМИРЛАРДА МУСТАҚИЛ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДИНИЙ-
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

19.00.07 – Дин психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
психологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
psychological Sciences**

Содиқова Гулбарно Одилжон қизи

Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик
омиллари.....3

Содиқова Гулбарно Одилжон қизи

Религиозно-психологические факторы самостоятельного принятия решений у
подростков.....

Sodiqova Gulbarno Odiljon qizi

Religious and psychological factors of independent decision-making in
adolescents.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.35/30.12.2019.Isl/Tar/F.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ҚОШИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

СОДИҚОВА ГУЛБАРНО ОДИЛЖОН ҚИЗИ

**ЎСМИРЛАРДА МУСТАҚИЛ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ДИНИЙ-
ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ**

19.00.07 – Дин психологияси

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/P185 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (Psi-ik.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ZiyoNet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

психология фанлари доктори, профессор

психология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги бир марталик илмий даражалар берувчи DSc.35/30.12.2019.IsI/Tar/F.57.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, e-mail: info@iiau.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй, Тел.: (99871) 2440056, Факс: (99871) 2440065, e-mail: info@iiau.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Д.Р.Маҳсудов

Бир марталик Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

С.А.Рустамий

Бир марталик Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

И.И.Бекмирзаев

Бир марталик Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолиси таркибида ўсмирларнинг ўзлигини англаши, касб танлаши, мустақил қарор қабул қилиши орқали уларнинг характерини шаклланиб бориши, шахсий фикри, дунёқаршларининг ўсиб бориши кун тартибига янги вазифаларни қўйиб боради. Бунда ёшларнинг позицияларини белгилаш, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура олишида диний-психологик омиллар, мустақил қарор қабул қилишга қодир бўлган ўсмирларни шахс сифатида тарбиялаш муҳим. Уларда ҳаётга бўлган қатъий ишонч, жамиятда бунёдкор, ижтимоий фаол, шахсий, касбий, ижтимоий-сиёсий жабҳада ўз ўрнига эга бўлган, истиқболдаги вазифаларни олдиндан кўра билиб, уларни ҳал этишда онгли, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш йўналишларида рационал ечимини топиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг еткази илмий марказларида ўсмирларнинг мустақил қарор қабул қилишида диний-психологик омилларни ўрганиш юзасидан қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада катталар хусусиятларини шакллантириш, интеллектуал катта бўлиш, ташқи кўринишга тақлид қилиш, ижтимоий-ахлоқий қарашлари, билим олиши ва қизиқишлари, ўзликни англаш, ўзини баҳолаш, ўзини ўзи маъқуллаш заруратига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ўсмирлардаги характернинг шаклланиши даври, ахлоқий онгнинг ривожланиши, касб танлаши, бўш вақтларининг ташкил этилиши, ижтимоий мотивлар, шахсий фикри, дунёқараши, ҳаётий режалари, ёлғизликни ҳис этиш, «Мен» концепцияси, ўзини ҳурмат қилиш, инқироз идентиклиги, ота-оналари, дўстлари билан ўзаро муносабатлари, дўст танлаш йўналишларидаги диний-психологик омилларни такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишига, касб-хунар эгаллашига, бандлигини таъминлашда шарт-шароитлар яратиш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши, ижтимоий фаол бўлишига эътибор қаратилмоқда. «Бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар»¹. Шу боисдан ҳам, бугун ёшларни диний экстремизм ғояларидан ҳимоя қилиш, ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг диний-психологик жиҳатларига назарий, амалий, методик ёндашиш, методик таъминотини янада такомиллаштириш заруратдир. Шунингдек, билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, ёш хусусиятлари билан боғлиқ турли вазиятларда тўғри қарорга кела олмаслик жиҳатларини диний-психологик тадқиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/25/forum/>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 14 августдаги ПФ-3907-сон «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 2 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 577-сон «Ўқувчиларни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишига диний-психологик омилларнинг таъсири, ўсмирларнинг ҳаётий вазиятларини инобатга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш муаммоси кўплаб психолог олимлар томонидан тадқиқ этилмоқда. Қарор қабул қилишнинг психологик жиҳатларини ўрганиш XX асрнинг ўрталаридан назарий босқичдан амалий босқичга кўтарилган. Унинг психологик фундаментал асосини 1970 йилларда америкалик машҳур психолог Даниел Канеман фанга олиб кирган. Д. Канеман ўзининг тадқиқотларида қарор қабул қилишнинг ички ва ташқи турларини амалий жиҳатдан ўрганганлиги учун Нобел мукофотини қўлга киритган.

Хорижий олимлар И.Жуган, Ж.Беелер, П.Сперс, Г.Астон-Жонес, Д.Барак, В.Бланчард, Е.Босчин, М.Ботвиник, Ж.Каванаг, Р.Конант, С.Денисон, М.Франк, В.Гехринг, А.Линсон, Р.Мата ва М.Жепмаларнинг тадқиқотларида мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилганлиги кузатилади, шунингдек, уларда қарор қабул қилишнинг психологик хусусиятлари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилган². МДХ олимлари

² Канеман Д., Тверски А. Рациональный выбор, ценности и фреймы // Психологический журнал. 2003. Т. 24. № 4. С. 31—43.; Жуган И.Б. Лоббизм в США. Правовые основы и анализ современного законодательства // Представительная власть — XXI век: законодательство, комментарии, проблемы. 2005. № 3. С. 26-48.; Aspers P. Forms of uncertainty reduction: decision, valuation, and contest // Theory and Society. 2018. Vol. 47. P. 133-149.; Aston-Jones G., Cohen J.D. An integrative theory of locus coeruleus-norepinephrine function: adaptive

А.В.Карпов, А.Г.Костинская, Р.Л.Кричевский, Е.М.Дубовская, Я.А.Пономарев, Ч.М.Гаджиев, Л.Г.Почебут, В.А.Чикер, А.Свенцицкий, М.Г.Ярошевский ва Ж.К.Эссерларнинг асарларида қарорларни қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ўрганиш бўйича амалий изланишлар қатор психологик тадқиқотларда ақс этган.

Мамлакатимиз олимлари бу борада эътиборга молик изланишлар олиб боришган. Бунда асосий масала қарор қабул қилиш жараёнининг ёш ва индивидуал-психологик масалаларига қаратилган. Устоз олимлардан Э.Ф.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, А.И.Расуловлар юқорида келтирилган хориж тадқиқотчиларидан фарқли ўлароқ, муаммонинг соф психологик жиҳатлари орқали ёритишга кенг эътибор қаратишган. Бундан ташқари, қарор қабул қилиш ва таваккалчилик ўртасидаги психологик омилларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларни Н.М.Муллабаева, маҳаллий давлат хокимияти органларида бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмини такомиллаштириш юзасидан А.Х.Холовнинг изланишларида мазкур муаммо ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда қарор қабул қилиш жараёнининг ёш ва индивидуал-психологик жиҳатлари, қарор қабул қилиш ва таваккалчилик ўртасидаги психологик омилларни ўрганиш, бошқарув қарорларини қабул қилиш механизмини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган бўлса-да, ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омиллари етарлича тадқиқ этилмаган. Бу эса диссертант томонидан мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган А-1-051 «Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш» (2012–2014 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсмирларнинг мустақил қарор қабул қилишида диний-психологик омилларнинг ўрнини аниқлаш, мазкур

gain and optimal performance // Annual Review of Neuroscience. 2005. Vol. 28. P. 403—450.; Barack D.L., Gold J.I. Temporal trade-offs in psychophysics // Current Opinion in Neurobiology. 2016. Vol. 37. P. 121—125.; Blanchard V.C., Gershman S.J. Pure correlates of exploration and exploitation in the human brain // Cognitive, Affective, & Behavioral Neuroscience. 2018. Vol. 18. № 1. P. 117—126.; Boschini E.A., Piekema C., Buckley M.J. Essential functions of primate frontopolar cortex in cognition // Proceedings of the National Academy of Sciences. 2015. Vol. 112. № 9. P. E1020—E1027.; Botvinick M.M., Cohen J.D., Carter C.S. Conflict monitoring and anterior cingulate cortex: an update // Trends in Cognitive Sciences. 2004. Vol. 8. № 12. P. 539—546.; Cavanagh J.F., Frank M.J. Frontal theta as a mechanism for cognitive control // Trends in Cognitive Sciences. 2014. Vol. 18. № 8. P. 414—421.; Denison S., Xu F. Infant statisticians: The origins of reasoning under uncertainty // Perspectives on Psychological Science. 2019. Vol. 14. № 4. P. 499—509.; Frank M.J., Hutchison K. Genetic contributions to avoidance-based decisions: striatal D2 receptor polymorphisms // Neuroscience. 2009. Vol. 164. № 1. P. 131—140.; Mata R., Wilke A., Czienskowski U. Foraging across the life span: is there a reduction in exploration with aging? // Frontiers in Neuroscience. 2013. Vol. 7.

йўналишни янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўсмирларнинг мустақил қарор қабул қилишида диний-психологик таъсири хусусиятларини асослаш;

мустақил қарор қабул қилиш бўйича психологик қарашларнинг мазмун моҳиятини ёритиш;

ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг ижтимоий-психологик жиҳатларини таъминловчи сифатларини аниқлаш;

ўсмирларда қарор қабул қилишнинг барқарор жиҳатдан шаклланишига таъсир этувчи хусусиятларни таҳлил қилиш;

мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг диний-психологик омиллари бўйича мезонларнинг таъсир этишини аниқлаш;

ўсмирлар мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг ёш ва психологик хусусиятларини ёритиш;

тадқиқот натижалари асосида илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда таълим муассасасининг юқори синфларида таҳсил олувчи мактаб ўқувчилари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишда диний-психологик хусусиятлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишнинг ўзига хос диний-психологик хусусиятларини ўрганиш учун Т.В.Корнилованинг «қарор қабул қилиш Мэлбурн» сўровномаси, А.В.Карповнинг «қарор қабул қилиш усулини аниқлаш» сўровномаси, Ю.В.Шербатихнинг «диндорликнинг индивидуал структурасини баҳолаш» усули, Г.У.Оллпортнинг «диний йўналганлик шкаласи», шунингдек, SPSS 18 дастурида Student-t мезони, факторли анализ ва Пирсон корреляция коэффицентларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмирларда ўзига бўлган ишонч ҳиссини оширишда нақшбандия тариқатининг вуқуфи қалб (дилида Аллоҳни сақлаш билан қалбнинг хотиржамлиги) одоби ҳолис нияти орқали ички интернал локус назоратга таъсир этувчи компетенция эканлиги асосланган;

ўсмирлардаги ички диний йўналганлик (фарз ва вожиб амалларни бажариш, ҳалол бўлиш)нинг намоён бўлиши орқали уларнинг мустақил қарор қабул қилишида диний-психологик сифатлар (ахлоқий хулқ-атвор, тазкия, шукроналик ҳисси)нинг ривожланиши асосланган;

ўсмирларнинг ижтимоийлашув жараёнида намоён бўлувчи ички антогонизм ва тажовузкорлик ҳолатларини барқарорлаштиришда ниғаҳдошт (ҳар бир ҳатти-ҳаракатни Аллоҳ назоратида эканлигини англаш) одоби ҳушёрлик билан назорат қилиб бориши орқали конструктив қарорлар қабул қилишига эришилиши аниқланган;

Ўсмирларда конструктив диний билимлар («Лаа илааха иллаллоҳ») калимасини айтиш, солиҳ амалларни бажариш, дуолар ва зикрларни ўрганиш) таъсири натижасида изн сўраш ва назар солиш одоби ҳамда зийраклик кўникмаларининг мустаҳкамланиши далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўсмирлик даврида қарор қабул қилиш тизими, шунингдек, ўсмир ўқувчиларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ўрта таълим муассасаларида ўрганишга доир тест ва сўровномалар амалиётга олиб чиқилган;

Ўсмир ёшдаги ўқувчиларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини аниқлаш орқали, улардаги қарорларни қабул қилиш ҳолатлари намоён бўлишининг психологик хусусиятлари ва мустақиллик сифатининг шаклланишида ўзига хос ижобий бирликлар аниқланган;

Ўсмир ўқувчилар ўқув фаолиятида юзага келадиган қарор қабул қилиш жараёнлари яъни мустақил қарор қабул қилишни келтириб чиқарувчи диний-психологик хусусиятлар, конструктив қарорлар бўйича амалий жиҳатдан қўлланилиши мумкин бўлган психодиагностик тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган ва амалий фаолиятда қўллаш учун тавсия этилган;

натижалар ва амалий тавсиялардан оммавий ахборот воситаларида ўсмирларда конструктив диний қарорлар қабул қилиш кўникмасининг шаклланиши муаммоси бўйича махсус кўрсатувлар ва рукнлар ташкил этишга ва уларнинг таъсирчанлик даражасининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши жараёнида қўлланилган психодиагностик методикаларнинг психометрик талабларга жавоб бериши ва тўпланган маълумотларнинг ишончлилиги, олинган амалий натижаларнинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, жаҳон психологиясида тажрибалардан кўп маротаба ўтказилган тест ва сўровномалардан фойдаланилганлиги, олинган амалий натижалар назарий концептуал жиҳатдан ёритиб берилганлиги, амалий натижалар миқдорий кўрсаткичлар яъни математик-статистик мезонларнинг ишончли методлари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, миқдорий кўрсаткичларни психологик таҳлил қилишда ишончлилик мезонларига таянилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий ва амалий хулосалар орқали келгусида таълим муассасаларида тахсил олувчи ўсмирларнинг мустақил қарор қабул қилишини шакллантиришга оид назарий ҳамда методологик жиҳатдан янги маълумотлар билан бойитилган бўлиб, унда ёш даврлар психологияси, шахс психологияси ва дин психология тармоқлари доирасида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим муассасалари тизимида психологик хизматни ташкил этишда, диссертация тадқиқот ишидан шахсни чуқурлаштирилган психологик ўрганиш жараёнларида,

Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг нафақат психологик жиҳати, балки диний омилларини ҳам тизимли даражада ташкил этиш, олинган натижалар, ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан таълим муассасаси психологлари, ота-она ва ўқитувчилар амалий машғулотларни тайёрлаш жараёнида қўллаш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ўрганиш бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Ўсмирларда ўзига бўлган ишонч ҳиссини оширишда нақшбандия тариқатининг вуқуфи қалб (дилида Аллоҳни сақлаш билан қалбнинг хотиржамлиги) одоби ички эктернал локус назорат (ҳаракат-фаолият)га таъсир этувчи компетенция эканлиги асосланганлигига оид таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги «Диний-маърифий соҳани такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар бўйича» ПҚ-4436-сон қарори 1-бандининг 3-хатбошиси «Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш»ни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 11 майдаги 02-03/3654-сон маълумотномаси). Бу бугунги кунда ўсмирларнинг мустақил касб танлаши, таълим олиши, мақсадларига эришилишида диний-психологик омиллардан фойдаланиш имконини берган;

Ўсмирларнинг ижтимоийлашув жараёнида намоён бўлувчи ички антогонизм ва тажовузкорлик ҳолатларини барқарорлаштиришда ниғаҳдошт (ҳар бир хатти-ҳаракатини Аллоҳ назоратида эканлигини англаш) одоби орқали хушёрлик билан конструктив қарорлар қабул қилишига эришилиши аниқланганлигига оид хулосалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 69-мақсади «Оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш» деб номланган 253-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳузуридаги Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил 27 апрелдаги 01-09/897-сон маълумотномаси). Натижада, оиладаги ўсмирлар билан ижтимоий иш олиб боришда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос этноҳудудий хусусиятларидан келиб чиқиб ёндашиш, оилаларда эмоционал барқарорликни сақлаб қолиш имконини берган;

мустақил қарор қабул қилиш натижасида ички диний йўналганликнинг намоён бўлиши, ўсмирларда диний-психологик сифатлар (ахлоқий хулқ-атвор, тазкия, шукроналик ҳисси) динамикаси асосланганлигига оид хулосалари Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрлар тайёрлаш институти томонидан ўтказилган «Мактаб ўқувчилари орасида зўравонлик ҳолатлари (буллинг) ва бунга сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш» ҳамда «Ёшларнинг ислом дини ва ислом маърифатига бўлган

муносабати» мавзуларидаги социологик сўров натижаларини таҳлил қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтининг 2022 йил 27 апрелдаги 01-12/43-сон маълумотномаси). Натижада ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш барқарорлигини таъминловчи омилларнинг зўравонлик ҳолатларида ўзини тутиши, бошқаришини, шунингдек, Ўзбекистон ёшларининг ислом дини ва ислом маърифатига бўлган муносабатини таҳлил қилишда салбий таъсир этадиган мезонларни эътиборга олган ҳолда хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган.

конструктив диний билимлар ва диний мансублик таъсири натижасида ўсмирларда бағрикенглик ва мулоқотга киришимлилиқ кўникмаларининг шаклланганлиги далилланганлигига оид таклифи Психология ўқув-илмий маркази илмий методик кенгашининг 2021 йил 18 августдаги №8-сонли йиғилиш баённомаси билан психологлар қайта тайёрлаш курслари ўқув режасидаги «Психодиагностика», «Ижтимоий психология» модулларига киритилган (Низомий номидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 22 апрелдаги № 4-сонли маълумотномаси). Натижада маълумотлар марказ психологлар қайта тайёрлаш курслари ўқув режасидаги «Психодиагностика», «Ижтимоий психология» модулларига киритилиб, ўсмирлик даврига хос қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ОАК тасарруфида 2 та хорижий, 5 та маҳаллий ва 17 та республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шулардан 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган, тадқиқотнинг методлари, объектлари ва предметлари аниқланган, диссертация мавзуси бўйича муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган. Ишнинг инновацион ривожланиш вазирлигининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги очиб берилган ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва тадқиқот тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қарор қабул қилиш муаммосини ўрганиш психологик тадқиқот предмети сифатида**» деб номланган бўлиб унда қарор қабул қилиш муаммосининг илмий-назарий асослари тадқиқ этилган. Жумладан, мустақил қарор қабул қилиш бўйича психологик қарашлар талқини таҳлилий манбалар асосида ёритиб берилган. Назарий таҳлил асосида қарор қабул қилишнинг диний-психологик хусусиятлари кўриб чиқилган. Мустақил қарор қабул қилишга доир назарий қарашлар ва ёндашувларни илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, замонавий концепцияларни ишлаб чиқиш ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни ечишга фундаментал асос бўлади. Бугунги кунда ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини илмий-метадологик асосларини таҳлил қилиш борасида кўпгина қарашлар мавжуд. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантириш, ўзига бўлган ишончини ошириш, нотўғри қарорлар қабул қилишни бартараф этиш, бу борада хориж тажрибаси ўрганилган. Шварцнинг фикрича, қарор қабул қилиш ўзида энг яхши альтернатив танлов ўртасини тартибга солиш натижасини ташкил қилади. Қарор қабул қилиш нафақат одамнинг ақлий соҳаси, балки муайян хулқ-атвор соҳаси ёки субъектнинг хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ. “Қарор қабул қилиш жараёни-онгли жараён бўлиб, мақсадни олдиндан аниқ билиб олиш, дастлабки муаммоли вазиятни тузиш, энг яхши альтернатив вариантларни ишлаб чиқиш ва аниқ методлардан фойдаланиш” демакдир.

И.Д.Бех ўзининг тадқиқотларида шахснинг хоҳиш-иродаси ва ўрнини қарор қабул қилиш эгаллашини таъкидлаб ўтади. И.Д.Бех шахснинг хоҳиш-иродаси остида, одамнинг онгли, мақсадга қаратилган ҳаракатларида намоён бўлган психик ҳаётнинг тарафини тушунади. Олимнинг фикрича, хоҳиш-ирода ҳаракати ҳар доим эркин ва мавжуд шароитлардан мустақил, яъни вазиятга фаол аралашини асосида амалга оширилади. Айнан, шахс онгли равишда қарор қабул қилиши натижасида ички эркинликни бошдан кечиради.

Мустақил қарор қабул қилиш-бу шахснинг маълум бир ёш даврини босиб ўтиб, ўзига хос хусусиятга эга бўлган, жамиятнинг турли бўғинида ўз ўрнини топишда ақлий-интеллектуал фаолияти самараси натижасида онгли равишда фикр ва қарашларини жамлаган ҳолда ўзини-ўзи назорат қила олиши ҳисобланади. Мустақил қарорлар қабул қилиш шахсда тўғри бўлиши

лозим. Лекин қарор қабул қилишнинг бошқа турлари нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Мустақил қарор қабул қилиш одатда конструктив равишда кечади. Шунингдек, мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик хусусиятларини бирлаштирган ва шахс бирор масалада олдидан уни қай тарзда ечишга хизмат қилувчи қарор қабул қилиш билан боғлиқ амалий ишлар динлараро ҳаётий вазиятлар билан боғлиқ тарзда таҳлил қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг диний-психологик хусусиятлари эмпирик тадқиқи**»га бағишланган бўлиб, мазкур бобда ўсмирлар мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг ёш ва психологик хусусиятлари, ўсмир шахси хусусиятларининг мустақил қарор қабул қилиш жараёнига таъсири ва мустақил қарор қабул қилиш муаммосини ўрганишнинг илмий-методик таъминоти каби жиҳатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, қарор қабул қилиш масаласига оид чет эл олимларининг илмий-назарий ёндашувларини тадқиқ этишнинг методологик масалалари таҳлилий материаллар асосида очиб берилган. Шу билан биргаликда ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик хусусиятлари таҳлил этилган, ўқувчилар бошқалар билан ижтимоий муносабатларни ўрнатишда қарор қабул қилишнинг психологик ўзига хослиги тавсифланган. Таъкидлаш лозимки, мустақил қарорларни қабул қилишнинг ёш ва психологик хусусиятларини таҳлил қилиш ҳар бир соҳада фаолият юритадиган ходимларнинг ишчанлик фаоллигини оширишга ва касбий фаолият жараёнида қарорларни тўғри қабул қилишга хизмат қилади. Шунингдек, мустақил қарорларни қабул қилишнинг психологик хусусиятлари ҳар бир шахс фаолиятида муҳим аҳамият касб этиб, ҳар бир ишни бажариш давомида қабул қилинган қарорларнинг шахс фаолиятини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи асосий индикаторлардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда қарор қабул қилиш назариясида 2 хил – норматив ва дескриптив ёндашув мавжуд. Норматив ёндашув ўсмирларда қарор қабул қилиш жараёнларини субъектив, психологик омиллардан абстрактлашган ҳолда тадқиқ этади ва қарор қабул қилишнинг идеал усул ва “рецептларини” ишлаб чиқишга йўналган. Дескриптив йўналиш эса аксинча, ушбу омилларни асосий омиллар деб ҳисоблашга асосланади. Биринчи ёндашув ўз олдида қарорни қандай қабул қилишлари кераклигини аниқлаш вазифасини қўйса, иккинчи ёндашув қарор қабул қилиш жараёни реал равишда қандай содир бўлишини аниқлаш вазифасини қўяди.

Ўсмирларда қарор қабул қилиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган психологик хусусиятлардан бири эмоционал-ҳиссий зўриқиш ҳисобланади. У ҳамма жойда мавжуд, ундан қочишнинг иложи йўқ, фақат инсонлар зўриқишларнинг юзага келиш сабабларини англашлари лозим саналади. Шунингдек, зўриқиш ва стрессли ҳолатлардан чиқишнинг ягона йўли бу уни моҳиятини, унинг юзага келиш механизмини билиш ҳамда унинг кечишини енгиллаштиришдир. Ўсмирларда яна бир қарор қабул қилиш билан боғлиқ хусусият ўзи устида ишлаш муаммосидир. Ўз устида ишлаш фаолияти

пасайиши билан қарорларнинг конструктивлиги салбий аҳамият касб этиб боради. Ҳозирда ўсмирларни таълим-тарбия шароитларига тайёрлаш ўта машаққатли иш ҳисобланади. Чунки, касб эгаларини фақат соҳага оид кўникма ва малакалар орқали билимларини ошириш эмас, балки, ижтимоий-психологик хусусиятлар ҳисобланган эмпатия малакаси, толерантлик сифатлари, коммуникатив маданияти, социал интеллект даражаси қабила орқали ҳам малакаларини ошириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, ўсмирлар мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг ёш ва психологик хусусиятлари, ўсмир шахси хусусиятларининг мустақил қарор қабул қилиш жараёнига таъсири ва мустақил қарор қабул қилиш муаммосини ўрганишнинг илмий-методик таъминоти каби масалалар илгари сурилган. Ўсмирларнинг ўқув фаолияти жараёнида юзага келадиган қарор қабул қилиш ҳолатларини психологик жиҳатдан концепциялар асосида таҳлил этилган ва улардаги бу вазиятларнинг бартараф этиш имкониятини яратиб беришга асос бўлади.

«Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг диний-психологик омиллари амалий тадқиқи» деб номланган диссертациянинг учинчи боби ўсмир шахси диний йўналганлигининг қарор қабул қилишга таъсири, ўсмирлар мустақил қарор қабул қилишига диний-психологик омиллар таъсири хусусиятлари таҳлили ва ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омиллари ўртасидаги боғлиқлик муносабатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотимизда халқ таълим муассасалари ўқувчиларида мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ўрганиш учун Г.У.Оллпорт томонидан ишлаб чиқилган «Диний йўналганликни ўрганиш» сўровномаси, Т.В. Корнилованинг «Қарор қабул қилиш» сўровномаси, А.В. Карповнинг «Қарор қабул қилиш услубини ўрганиш» сўровномаси ва Ю.В. Шербатих томонидан ишлаб чиқилган «Диндорликнинг индивидуал-структурасини ўрганиш» каби сўровномалардан фойдаланилган. Булар ўртасида факторли таҳлил, нопараметрик мезонлар ва корреляцион алоқадорлик жиҳатлари ҳам аниқланган.

1-жадвал

Мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омиллари факторли анализ кўрсаткичлари

Шкалалар	Факторлар			
	1	2	3	4
Хушёрлик	0,290	0,038	0,710	0,309
Қочишга мойил	0,184	-0,227	-0,306	0,736
Кечиктириш	0,690	0,498	0,083	-0,066
Жуда хушёрлик	0,168	0,452	-0,298	0,568
Ташки диний йўналганлик	-0,178	-0,625	0,414	0,322
Ички диний	-0,706	0,113	-0,218	0,112

Йўналганлик				
Хукмронлик	-0,379	0,482	0,532	0,117
Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,592	-0,401	-0,058	-0,159

Тадқиқотдан олинган натижалар шуни намоён қилдики, ўқувчиларнинг қарор қабул қилишнинг психологик омилларини ўрганиш сўровномаси натижалари улардаги ўзаро ижтимоий муносабатларни йўлга қўйилишини белгилаб берувчи тенденция бўлиб ҳисобланади. Синалувчиларнинг натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар 4 та шаклга бирлашган.

Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: кечиктириш 0,690, ички диний йўналганлик -0,706 ва муаммоли вазиятлардаги хулқ 0,592 каби натижалар билан ўзаро фарқланади.

Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: кечиктириш 0,498, жуда хушёрлик 0,452, ташқи диний йўналганлик -0,625 ва хукмронлик 0,482 каби натижа билан алоҳида характерланади.

Учиничи шкалани ташкил этган психологик омиллар: хушёрлик 0,710 ва хукмронлик 0,532 даража билан қайд этилади.

Тўртинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: қочишга мойил 0,736 ва жуда хушёрлик 0,568 каби фарқлар билан белгиланади. Синалувчиларнинг тўплаган қийматлари тўртта факторларга бирлашганлиги ва бу факторлар сўровномадаги асосий унсурни белгиловчи хусусиятларни ташкил этган.

2-жадвал

Мустақил қарор қабул қилишнинг диний омиллари факторли анализ кўрсаткичлари

Шкалалар	Факторлар		
	1	2	3
Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	0,769	0,275	0,054
Афсун-сеҳрга бўлган муносабат	-0,162	0,816	0,120
Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	0,462	0,123	-0,536
Диний рамзларга маросимларга риоя қилиш	0,309	-0,314	0,527
Ғайритабiiй ҳодисаларни илмiiй билимдан устун кўриш	-0,426	0,450	0,528
Дунёни яратувчи буюк кучга ишониш	0,699	0,103	-0,113

Ташки эҳтиёжларни англаш	0,505	-0,291	0,592
Динни ахлокий хулк-атвор жихатдан тушуниш	0,484	0,470	0,140

Синалувчиларнинг факторли анализ бўйича кўрсаткичлари учта шкалаларни ташкил этганлиги ва биринчи шкалаларга кирган бирликлар қуйидагича: динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш шкаласи 0,769, дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш 0,699, ташқи эҳтиёжларни англаш 0,505 каби натижалар юқори вазнга ва аҳамиятлилик даражаси каттароқ кўрсаткичга эга бўлди.

Иккинчи шкалага кирган бирликлар: афсун-сеҳрга бўлган муносабат 0,816 каби факторлар билан характерланади.

Учинчи шкалага кирган бирликлар: диндан нажот ва ҳотиржамлик излаш -0,536, диний рамзларга маросимларга риоя қилиш 0,527, ғайритабий ҳодисаларни илмий билимдан устун кўриш 0,528 ва ташқи эҳтиёжларни англаш 0,592 каби факторлар билан характерланади.

Умуман олганда, ўсмир ёшидаги ўқувчиларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини факторли анализ мезони бўйича тадқиқ қилинганда қуйидаги омиллар асосий жиҳатларини камраб олди. Биринчидан, ўсмир ёшдаги ўқувчиларда хушёрлик, жуда хушёрлик ва кечиктириш каби психологик омиллар сезиларли даражада ташкил қилган.

3-жадвал

Мустақил қарор қабул қилишининг психологик омиллари умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьюдентнинг t-мезони)

Шкалалар	М	Стандарт оғиш	t-статистика
Хушёрлик	15,21	2,05	0,998
	14,63	1,95	
Қочишга мойил	11,18	1,94	0,327
	11,00	1,91	
Кечиктириш	7,88	2,38	0,218
	7,74	2,02	
Жуда хушёрлик	8,58	2,19	-1,797*
	9,58	1,77	
Хукмронлик	113,15	15,87	0,940
	109,16	12,50	
Муаммоли вазиятлардаги хулқ	95,24	15,74	0,109
	94,79	11,84	

Изох. * – $p \leq 0,05$; ** – $p \leq 0,01$; *** – $p \leq 0,001$.

Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг психологик омиллари «Хушёрлик» шкаласи бўйича академик лицей ўқувчиларида юқори кўрсаткич 15,21 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич

14,63 ни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар қарор қабул қилишдан олдин барча муқобил йўллари кўриб чиқишга, турли муаммоларнинг энг самарали ечимини қидиришга ва янги маълумотларни тўплашга ҳаракат қилишади. Ўз мақсадлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишгани боис, ҳаётий масалаларга доир қарорларни қабул қилишда уларда қийинчиликлар юзага келмайди. «Қочишга мойил» шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичга эга бўлган академик лицей ўқувчилари 11,18 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса 11,00 ни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар маълум бир вазиятларда ота-онасининг қарорларига, кўмагига, қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезишади, шунингдек, улар масъулият олишдан, ҳаётий қийинчиликларга дуч келиб қолишдан кўрқишади. Мустақил қарор қабул қилишга доир билим ва кўникмаларнинг камлиги туфайли улар мустақил қарор қабул қилишдан қочишга мойил бўлишади.

“Кечиктириш” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 7,88 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 7,74 ни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар асосий қарорни қабул қилишдан олдин улар кўп вақтларини кичик ишларни бажаришга сарфлайдилар. Улар охириги дақиқагача қарор қабул қилишни кечиктиришга ҳаракат қилишади. Қарор қабул қилиб бўлганидан кейин ҳам уни бажаришни орқага суришади. “Жуда ҳушёрлик” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичга эга бўлган академик лицей ўқувчилари 8,58 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 9,58 ни ташкил этади. Айнан “жуда ҳушёрлик” шкаласи академик лицей ўқувчиларига қараганда мактаб ўқувчиларида юқори натижани кўришимиз мумкин. Юқори кўрсаткичга эга бўлган мактаб ўқувчилари мустақил қарор қабул қилиш жараёнида, уларга вақт етарли бўлмайди, улар ўз қарорларини тез ўзгартиришади. Муаммога дуч келишганида яхши ечим тополмаслигига нисбатан уларда ишончсизлик ҳисси пайдо бўлади.

“Хукумронлик” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичга эга бўлган академик лицей ўқувчиларида 113,15 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 109,16 ни ташкил этади. “Муаммоли вазиятлардаги хулқ” шкаласи бўйича ўртача кўрсаткичга эга бўлган академик лицей ўқувчиларида 95,24 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 94,79 ни ташкил этади.

4-жадвал

Мустақил қарор қабул қилишининг диний йўналганлик сўровномаси умумий ўртача кўрсаткичлари (Стьудентнинг t-мезони бўйича)

Шкалалар	М	Стандарт оғиш	t-статистика
Ташки диний йўналганлик	24,33	5,337	-3,475***
	29,26	4,094	
Ички диний йўналганлик	19,97	4,455	-3,640***
	24,21	3,190	
Динга фалсафий	8,06	1,749	2,973***

концепция сифатида ёндашиш	6,53	1,867	
Афсун-сехрга бўлган муносабат	4,06	1,413	1,407
	3,42	1,835	
Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	7,76	1,855	2,200*
	6,53	2,091	
Диний рамзларга маросимларга риоя қилиш	7,39	2,235	-,319
	7,58	1,539	
Ғайритабиий ҳодисаларни илмий билимдан устун қўриш	4,00	2,062	1,226
	3,26	2,130	
Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш	8,24	2,047	,545
	7,95	1,545	
Ташки эҳтиёжларни англаш	7,67	1,555	,916
	7,26	1,485	
Динни ахлокий ҳулк-атвор жихатдан тушуниш	7,85	1,523	2,452***
	6,74	1,661	

Изоҳ. * – $p \leq 0,05$; ** – $p \leq 0,01$; *** – $p \leq 0,001$.

Ўқувчиларида мустақил қарор қабул қилишнинг “ташқи диний йўналганлик” шкаласи бўйича юқори кўрсаткич 24,33 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 29,26 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида ташқи диний йўналганлик даражаси юқори натижани ташкил этган. Ички диний йўналганлик шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 19,97 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 24,21 ни ташкил этади. Академик лицей ўқувчиларига нисбатан мактаб ўқувчиларида ички диний йўналганлик юқори натижани кўрсатди. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар диннинг устуворлик ролига паст баҳо беришади. Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 8,06 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 6,53 ни ташкил этади. Биринчи шкала бўйича академик лицей ўқувчиларида юқори натижани кўрсатди. Афсун-сехрга бўлган муносабат шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 4,06 ни ташкил этса, мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 3,42 ни ташкил этади.

Диндан нажот ва хотиржамлик излаш шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларда 7,76 ни ташкил қилса, мактаб ўқувчиларида эса 6,53 ни ташкил этади. Иккала кўрсаткич ҳам юқори натижани кўрсатади. Бу кўрсаткичларга эга бўлган ўсмирлар диндан нажот ва хотиржамлик излаши билан боғлиқ. Диний рамзларга, маросимларга риоя қилиш шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 7,39 ни ташкил этса, мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 7,58 ни ташкил қилади. Бу иккала кўрсаткич ҳам юқори натижани кўрсатади. Ғайритабиий ҳодисаларни илмий билимдан устун қўйиш шкаласи бўйича ўртача

кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 4,00 ни ташкил этади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 3,26 ни ташкил қилди. Бу шкала бўйича ўсмирларнинг олган натижалари сўровнома меъёрий кўрсаткичига кўра, қуйи натижани кўрстаган. Ўсмирларда ғайритабiiй сеҳрли ходисларни устун кўриш шкаласи бўйича қуйи натижани намоён қилганлиги, уларда бирор бир қийин вазиятларга дуч келганда турли сеҳрли нарсаларга ишонмаслик ва ҳамма нарса Яратганнинг ҳохиши билан кўникмаси пайдо бўлганлиги билан белгиланади. Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 8,24 ни ташкил этса, мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 7,95 ни ташкил қилади. Бу кўрсаткичга эга бўлган ўсмирлар дунёни яратувчи буюк кучларга ишонишини билдиради. Ягона Аллоҳнинг борлигига ишонишади.

Ташқи эҳтиёжларни англаш шкаласи бўйича ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 7,67 ни ташкил қилади. Мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 7,26 ни ташкил этади. Бу кўрсаткичга эга ўсмирлар ўз-ўзини ташқи эҳтиёжларини яхши англашади. Динни ахлоқий хулқ-атвор жиҳатдан тушуниш шкаласи ўртача кўрсаткич академик лицей ўқувчиларида 7,85 ни ташкил этса, мактаб ўқувчиларида эса бу кўрсаткич 6,74 ни ташкил қилган. Бу эса ўсмирларда дин билан боғлиқ ахлоқий муносабатлардаги омиллар ўрта даражадаги натижани кўрсатганлиги ва диний амаллар ҳамда анъаналарни ахлоқий жиҳатдан баҳолаши ва маълум бир муаммоли вазиятларни ҳал қилишда диний омилларни когнитив хусусият сифатида қараши ҳамда субъектив локал назоратининг ўрнатилганлиги билан алоҳида характерланади.

5-жадвал

**Қарор қабул қилиш ва диний йўналганлик сўровномаларининг
корреляцион кўрсаткичлари**

Хушёрлик	Қочишга мойил	0,771**
	Кечиктириш	0,289*
	Жуда хушёрлик	0,847**
	Ташқи диний йўналганлик	0,501*
	Ички диний йўналганлик	0,475*
	Хукумронлик	0,564**
	Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,830**
Қочишга мойил	Кечиктириш	0,844**
	Жуда хушёрлик	0,427*
	Ташқи диний йўналганлик	0,790**
	Ички диний йўналганлик	0,678**
	Хукумронлик	0,350*
	Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,975***
Кечиктириш	Жуда хушёрлик	0,297*
	Ташқи диний йўналганлик	0,140*
	Ички диний йўналганлик	0,074*
	Хукумронлик	0,790**

	Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,454*
Жуда хушёрлик	Ташқи диний йўналганлик	0,676**
	Ички диний йўналганлик	0,756**
	Хукумронлик	0,687**
	Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,871**
Ташқи диний йўналганлик	Ички диний йўналганлик	0,986**
	Хукумронлик	0,868**
	Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,658**
Ички диний йўналганлик	Хукумронлик	0,597**
	Муаммоли вазиятлардаги хулқ	0,123*

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Ўқувчиларида мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ифодаловчи шкалалар ва умумий кўрсаткичлари ўртасида ўзаро ўрта даражада боғланишга эга бўлган корреляцион алоқалар кузатилди. Бу корреляцион муносабатлар қуйидаги шкалалар орасида боғланди. Хушёрлик шкаласи билан қочишга мойил (0,771**), кечиктириш (0,289*), жуда хушёрлик (0,847**), ташқи диний йўналганлик (0,501*), ички диний йўналганлик (0,475*), хукумронлик (0,564**) ва муаммоли вазиятлардаги хулқ (0,830**) кўрсаткичлари, қочишга мойил шкаласи билан кечиктириш (0,844**), жуда хушёрлик (0,427*), ташқи диний йўналганлик (0,678**), хукумронлик (0,350*) ва муаммоли вазиятлардаги хулқ (0,975***), кечиктириш шкаласи билан жуда хушёрлик (0,297*), ташқи диний йўналганлик (0,687**), ички диний йўналганлик (0,756**), хукумронлик (0,687**), муаммоли вазиятлардаги хулқ (0,871**), ташқи диний йўналганлик шкаласи билан ички диний йўналганлик (0,986), хукумронлик (0,868**) ва муаммоли вазиятлардаги хулқ (0,658**), ички диний йўналганлик шкаласи билан хукумронлик (0,597**) ва муаммоли вазиятлардаги хулқ (0,123*) кўрсаткичлари орасида алоқадорлик намоён бўлган.

6-жадвал

Индивидуал диндорлик структурасини баҳолаш сўровномасининг корреляцион кўрсаткичлари

Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	0,592**
	Диний рамзларга маросимларга риоя қилиш	0,561**
	Ғайритабiiй ҳодисаларни илмiiй билимдан устун кўриш	-0,407*
	Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш	0,581**
	Динни ахлоқiiй хулқ -атвор жиҳатдан тушуниш	0,531**
Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	0,592**
	Диний рамзларга ва маросимларга риоя қилиш	0,649**
	Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш	0,584**
	Ташқи эҳтиёжларни англаш	0,525**
Диний рамзларга ва маросимларга	Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	0,561**
	Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	0,649**

риоя қилиш	Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш	0,621**
	Динни ахлоқий хулқ -атвор жиҳатдан тушуниш	0,404*
Ғайритабиий ҳодисаларни илмий билимдан устун кўриш	Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	-0,407*
Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш	Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	0,581**
	Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	0,584**
	Диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш	0,621**
	Динни ахлоқий хулқ -атвор жиҳатдан тушуниш	0,443**
Ташқи эҳтиёжларни англаш	Диндан нажот ва хотиржамлик излаш	0,416*
	Диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш	0,525**
Динни ахлоқий хулқ атвор жиҳатдан тушуниш	Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш	0,531**
	Диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш	0,404*
	Дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш	0,443**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$.

Мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини ифодаловчи шкалалар ва умумий кўрсаткичлари ўртасида ўзаро ўрта даражада боғланишга эга бўлган корреляцион алоқалар кузатилди. Бу корреляцион муносабатлар қуйидаги шкалалар орасида боғланди. Динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш шкаласи билан диндан нажот ва хотиржамлик излаш (0,592**), диний рамзларга маросимларга риоя қилиш (0,561**), ғайритабиий ҳодисаларни илмий билимдан устун кўриш (-0,407*), дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш (0,581**) ва динни ахлоқий хулқ атвор жиҳатдан тушуниш (0,531**), диндан нажот ва хотиржамлик излаш шкаласи билан динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш (0,592**), диний рамзларга ва маросимларга риоя қилиш (0,649**), дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш (0,584**) ва ташқи эҳтиёжларни англаш (0,525**), Диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш шкаласи билан динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш (0,561**), диндан нажот ва хотиржамлик излаш (0,649**), дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш (0,621**) ва динни ахлоқий хулқ атвор жиҳатдан тушуниш (0,404*), ғайритабиий ҳодисаларни илмий билимдан устун кўриш шкаласи билан динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш (-0,407*), дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш шкаласи билан динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш (0,581**), диндан нажот ва хотиржамлик излаш (0,584**), диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш (0,621**) ва динни ахлоқий хулқ атвор жиҳатдан тушуниш (0,443**), ташқи эҳтиёжларни англаш шкаласи билан диндан нажот ва хотиржамлик излаш (0,416*) ва диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш (0,525**), динни ахлоқий хулқ атвор жиҳатдан тушуниш шкаласи билан динга фалсафий концепция сифатида ёндашиш (0,531**), диний рамзларга ва маросмларга риоя қилиш (0,404*) ва дунёни яратувчи буюк

кучларга ишониш (0,443**) кўрсаткичлари орасида алоқадорлик намоён бўлган.

ХУЛОСА

«Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омиллари» мавзусидаги олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича қуйидаги хулосалар акс эттирилади:

1. Ўсмирларда қарор қабул қилиш ҳолатларининг диний-психологик омилларига қарорларни қабул қилиш даражаси, диний йўналганлик шкаласи ва диндорликнинг индивидуал структурасини баҳолаш каби психологик омиллар таъсир қилади ва улар фаолиятига нисбатан қочишга мойил, кечиктириш, ҳукмронлик ва муаммоли вазиятлардаги хулқ-атвор хусусиятлари салбий жиҳатдан ўзининг таъсирини кўрсатади.

2. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик жиҳатларини таъминловчи: сабр, қиёс, ният, тушуниш, ақл, адолат, холислик, вақт, ишонч, малака каби психологик факторлар мустақил қарор қабул қилишнинг шаклланишида муҳим омил эканлиги изоҳланди.

3. Ўсмирлар қарор қабул қилишининг барқарор жиҳатдан ижобийлиги: конструктив қарорларнинг қабул қилиниши, хушёрлик, муаммоли вазиятлардаги хулқ-атворни ҳал эта олиши ва ички диний йўналганлик каби сифатлар диний-психологик омилларнинг шаклланишига асос сифатида хизмат қилади.

4. Мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик хусусиятлари ўсмирларда, психологик ҳолат сифатида ижобий ривожланишига, жуда хушёрлик шкаласи, ички диний йўналганлик, динни нажот ва тасалли берувчи феномени хотиржамлик излаш, яратувчига ишонч ва ахлоқий хулқ-атвор жиҳатдан англашнинг кучли даражаси қарор қабул қилишда, хусусан “стратегик” ёндашув асос бўлади.

5. Ўсмирларда диндорликнинг индивидуал структурасини баҳолашнинг психологик хусусиятлари, динни фалсафий концепция сифатида қабул қилиш, афсун-сеҳрга бўлган муносабат, сохта илмга қизиқиш ва ташқи эҳтиёжларни англаш каби психологик бирликлар юқори даражада эканлиги аниқланди.

6. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омиллари қарорларни қабул қилиш даражаси, диний йўналганлик шкаласи ва диндорликнинг индивидуал структурасини баҳолаш каби сўровномалар орасидаги факторизациялар ўрта даражада аҳамиятли факторларга бирлашганлиги намоён бўлди.

7. Мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг диний-психологик омиллари бўйича кўрсаткичлар ташқи диний йўналганлик, динни фалсафий концепция сифатида қабул қилиш, сохта илмга қизиқиш, ташқи эҳтиёжларни англаш ва ғайритабiiй илмларни илмiiй билимдан устун кўриш каби факторлар салбий жиҳатдан таъсир этиши аниқланди.

8. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омилларини текширишда сўровномалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

муносабатлари, қарор қабул қилиш даражаси, диний йўналганлик шкаласи, қарорлар қабул қилиш услуби ва диндорликнинг индивидуал структурасини баҳолаш каби диний-психологик хусусиятлар ўрта даражада корреляцион алоқага киришганлиги аниқланди.

9. Мустақил қарор қабул қилишнинг ўсмир ёшларда кечишига салбий таъсир кўрсатаётган: қочишга мойил, кечиктириш, ҳуқумронлик, қарорлар қабул қилишда қийинчиликларга дуч келиш ва ностандарт вазиятлардан чиқиш йўлининг мураккаблиги каби психологик омилларнинг ички ва ташқи сабаблари ҳамда таъсир кучларини аниқлаш, мустақил қарор қабул қилишнинг хушёрлик шакли, конструктив қарорлар, мустақиллик ва муаммоли вазиятлардаги хулқ-атворни ҳал қилиш хусусиятларини ривожлантириш асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Олинган тадқиқот натижалари юзасидан берилган хулосалар асосида умумтаълим мактаби ўқувчилари, ўқитувчилар ва педагогларга қуйидагича тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ўсмирларда қарор қабул қилиш ҳолатларининг диний-психологик омилларига қарорларни қабул қилиш даражаси, диний йўналганлик шкаласи ва диндорликнинг индивидуал структурасини баҳолаш каби психологик омиллар таъсир қилиши ва улар фаолиятига нисбатан қочишга мойил, кечиктириш, ҳуқумронлик ва муаммоли вазиятлардаги хулқ-атвор хусусиятлари салбий жиҳатдан ўзининг таъсирини кўрсатишини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик жиҳатларини таъминловчи сифатлар: ички диний йўналганлик, диндан нажот ва хотиржамлик излаш, дунёни яратувчи буюк кучларга ишониш ва динни ахлоқий хулқ-атвор жиҳатдан тушуниш каби психологик факторлар мустақил қарор қабул қилишни мустаҳкамлашда асосий омил бўлиб хизмат қиладиган сифатларга эътибор қаратиш лозим.

3. Умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ва педагогларга мазкур мавзу доирасида қарор қабул қилиш билан боғлиқ тадқиқот ишларини илмий-амалий жиҳатдан текширишга доир тест, сўровномаларни маҳаллий муҳитга мослаштириш ва таълим жараёни амалиётига жорий қилиш кўпроқ самара беради.

4. Ўсмир ўқувчиларда мустақил қарор қабул қилишнинг диний-психологик омиллари барқарор равишда кечиши учун, уларда ностандарт вазиятлардан тез чиқа олишни, қарорларни тўғри қабул қилишни ва диний йўналганлик хусусиятларини таъминловчи факторларни шакллантиришга ёрдам берувчи психологик жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ёндашиш.

5. Умумий ўрта таълим мактаблари ва бошқа таълим даргоҳларида таҳсил олувчи ўқувчиларга тарбия ва бошқа фанлардан мустақил қарорлар қабул қилиш ва уни ривожлантириш билан боғлиқ мавзулар ва тренинг машғулотларинининг жорий қилиниши тадқиқотни янада амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга имконият яратади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙЎХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLICATIONS

I бўлим (I часть; Part I)

1. Содиқова Г.О. Religious-psychological characteristics of decision-making. European journal of research and reflection in Educational Sciences. Халқаро илмий журнал 2020 йил № 8. Лондон. 178-181 бетлар.
2. Содиқова Г.О. Психологические особенности самостоятельного принятия решений у школьников. Вестник интегративной психологии Халқаро илмий журнал, 2021 йил, 22. М.-2021.168-171 бетлар.
3. Содиқова Г.О. Ўсмирлик даврининг ўзига хослиги (хорижий тажриба). Ижтимоий тадқиқотлар журнали. №5 Тошкент, 2019. -Б.90-97.
4. Содиқова Г.О. Ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишнинг эмпирик таҳлили. СамДУ илмий ахборотнома журнали. 4-сон, Самарқанд, 2019. -Б.52-55
5. Содиқова Г.О. Ўсмирлик даврида мустақил қарор қабул қилишнинг психологик ўрганилганлик ҳолати. Психология илмий журнали. 4-сон, Бухоро, 2019.-Б.81-84
6. Содиқова Г.О. Қарор қабул қилиш муаммосининг психологик тадқиқотларда қўлланилиши. Психология илмий-амалий журнали. 2020 йил, 4-сон, 58-61бетлар.
7. Содиқова Г.О. Принятие решений в подростковом возрасте. Перспективные этапы развития научных исследований: теория и практика. Халқаро тезис. Россия. Кемерова. 2020 йил, 14 февраль. 22-24 бетлар.
8. Содиқова Г.О. Роль руководителя в принятии самостоятельных управленческих решений. «Стратегические направления развития мировой науки» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. Россия. Кемерова. 2020 йил, 31 май, 46-49 бетлар.
9. Содиқова Г.О. Особенности развития личности в принятии решений в социуме. «Образование и наука: актуальные вопросы и перспективы развития» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция анжумани. Россия. Кемерова. 2020 йил, 15 сентябрь.
10. Содиқова Г.О. Психологические аспекты самостоятельного принятия решений у подростков. «Инструменты эффективного развития современной

науки” мавзусида халқаро илмий конференция. Россия. Кемерово. 30 ноябрь. 61-63 бетлар.

II бўлим (II часть; Part II)

11. Содиқова Г.О. The role of parents in teenagers independent decision-making Хиндистонда “International journal on integrated” халқаро журнал 2020 йил, №6.-Б.43-45. SJIF Impact factor 5,08.

12. Содиқова Г.О. Возрастные и психологические особенности процесса принятия решений. Science and world International scientific journal. Халқаро журнал. 2021 йил №3.-Б.75-76. Impact factor 0,325. Global impact factor 2013, Australia.

13. Содиқова Г.О. Оилада ўсмирларни мустақил қарор қабул қилишида ота-онанинг тарбия усуллари // «Ўзбекистонда илмий психологиянинг ривожланиш истиқболлари». Республика илмий-амалий конференция. Тошкент, 2018.-Б. 187-190.

14. Содиқова Г.О. Ўсмирларни ижтимоий хатарларга берилишини олдини олиш зарурати // «Вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг моддий-процессуал масалалари». Республика илмий-амалий конференция. Тошкент, 2018.-Б.46-48.

15. Содиқова Г.О. Авлодлар ўртасидаги оилавий қадриятлар ва ўсмир фарзанд таълим-тарбияси // «Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари». Республика илмий-амалий конференция. Тошкент, 2018.-Б.97-100.

16. Содиқова Г.О. Ўсмирларда мустақил қарор қабул қилишнинг психологик ўрганилганлик ҳолати // «Интеллектуал авлод-келажак таянчи». Республика илмий-амалий конференция. Тошкент, 2019.-Б.360-364.

17. Содиқова Г.О. Ўсмир мустақил қарор қабул қилишида оиланинг ўрни // «Глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда психология фанининг ривожланиш истиқболлари: назария ва амалиёт» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция. 291-293 бетлар. 2020 йил 15-апрель. ЎЗМУ психология кафедраси.

18. Содиқова Г.О. Қарорлар қабул қилиш муаммосининг диний-психологик таҳлили // «Дин психологиясида диний онгнинг генезиси ва трансформацияси муаммоси» мавзусида Республика илмий-амалий конференция. 2020 йил. -Б.170-174.

19. Содиқова Г.О. Мустақил қарор қабул қилиш муаммосининг амалий-психологик имкониятлари // “Психология” кафедрасидаги конференцияда илмий тўпламда маҳаллий тезис ТЕРДУ. 2020 йил. -Б.189-191.

20. Содиқова Г.О. Мустақил қарор қабул қилиш жараёнининг психологик талқини // Тошкент Давлат педагогика Университети Илмий ахборотлари илмий-амалий журнали. 236-239 бетлар. 2020 йил 4 –сон

21. Содиқова Г.О. Замонавий психологияда мустақил қарор қабул қилишнинг назарий асослари // «Бола шахсида салбий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи ташқи таъсирларнинг психологик-педагогик асослари» мавзусида

Республика илмий-амалий конференция тўплами. Тошкент, 2021 йил.-Б.452-455.

22. Содиқова Г.О. Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик таҳлили // «Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари» мавзусида конференция материаллари. Тошкент, 2021 йил.- Б.89-91.

23. Содиқова Г.О. Роль руководителя в принятии самостоятельных управленческих решений // «Стратегические направления развития мировой науки» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция. 46-49 бетлар. 2020 йил-31 май. Россия. Кемерово.

Автореферат “ЎзМУ хабарлари” журнали таҳририятида таҳрирдан ўтказилиб, ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги матнлари ўзаро мувофиқлаштирилди.

Бичими: 84x60 ¹/₁₆. «Times New Roman» гарнитура рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи: 3. Адади 100. Буюртма №28.

«Тошкент кимё-технология институти» босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 32-уй.